79-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

79 Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Хукуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7 ва 31-моддаларига мувофик, шунингдек хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг хукукбузарликлар профилактикаси сохасидаги фаолиятининг ташкилий-хукукий механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шакли 1-иловага мувофиқ;

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огохлантиришни чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

- 2. Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар ўз тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўгрисидаги йўриқномани бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, 60-сон



6 (766)-сон — 175 — 79-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарорига 1-ИЛОВА

Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган РАСМИЙ ОГОХЛАНТИРИШ ШАКЛИ

(шаклнинг олд томони)

	ОРГАН ЁКИ РАСМИЙ (ИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА MYACCACA НОМИ) DГОХЛАНТИРИШ 0000001	ОШИРУВЧИ
Фуқаро			1
* * *	профилактикаси тў	ган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилады) ў грисида»ги Ўзбекистон Респуб тимоий хуж-атвор баён қилинады)	бликаси Қонунининг
	да давом эттириши	га йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрис	сида тушунтираман.
Сизни	содир этганлик учун жавобгарлик	назарда тутилган хуқуқбузарлик баён этилади)	учун
		нинг	моддасига асосан
(қонун (кодек	с) номи)	(модда рақами)
(K			азо қўлланган холда
(жавобгарлик тури кўрсатилади)	жавооі	гарлик хақида огохлантираман.	
	лантириш чиқарған мансабдор ша РИШ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН		(имзо)
×			
		МУАССАСА НОМИ) ОГОХЛАНТИРИШ	
Мен.	РАСМИЙ (————————————————————————————————————	ОГОХ,ЛАНТИРИШ 0000001	. томонимлан
Мен,	РАСМИЙ (————————————————————————————————————	ОГОХЛАНТИРИШ 0000001	, томонимдан
фуқаро	РАСМИЙ (ОГОХ,ЛАНТИРИШ 0000001	, томонимдан га,
фуқаро	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 ияси) арган мансабдор шахенинг лавозими ва Ф.И.О.) ирилган шахенинг Ф.И.О. курсатилади)	
фуқаройил «»	РАСМИЙ ((сер (расмий огохлантириш чик) (расмий огохланти	ОГОХЛАНТИРИШ	га,
фуқаро	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 ияси) арган мансабдор шахенинг лавозими ва Ф.И.О.) ирилган шахенинг Ф.И.О. курсатилади)	га,
фуқаройил «»	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 арган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.) прилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади) (тугилган экойи)	га,
фукаройил «» туғилган,шахсини тасдиқловчи ҳуж	РАСМИЙ ((сер (расмий огохлантириш чик) (расмий огохланты да	ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 арган мансабдор шахенияг лавозими ва Ф.И.О.) ирилган шахенияг Ф.И.О. курсатилади) (тугилган жойи)	га, да манзилида яшайди,
фукаройил «» туғилган, шахсини тасдиқловчи ҳуж иш (ўқиш) жойи	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 арган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.) ирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади) (тугилган жойи) (ким ва қачоп)	га, да манзилида яшайди,
фуқаройил «»(кун) туғилган,	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ 0000001 арган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.) прилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади) (тугилган экойи)	га, да манзилида яшайди, томонидан берилган,
фукаройил «»	РАСМИЙ (ОГОХЛАНТИРИШ	га, да манзилида яшайди, томонидан берилган,
фукаройил «»	РАСМИЙ (ОГОХ,ЛАНТИРИШ 0000001 шяси) арган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.О.) прилган шахснинг Ф.И.О. ку́рсатилади) (тугилган жойи) (ким ва қачоп) тимоий хулқ-атвор баён қилинади) ўл қуйиб бу́лмаслиги ту́грисида т	га, даманзилида яшайди, томонидан берилган,, гушунтириш берилди,учунмоддасига асосан
фукаройил «»	РАСМИЙ ((сер (расмий огохлантириш чик) (расмий огохланты да (ой) СЖАТ (серияси) (раками) Давом эттиришига й содир этганлик учун жавобгарлик (конун (кодекс) номи)	ргох,лантириш	га, да
фукаройил «»	РАСМИЙ ((сер (расмий огохлантириш чик) (расмий огохланты да (ой) СЖАТ (серияси) (раками) Давом эттиришига й содир этганлик учун жавобгарлик (конун (кодекс) номи)	отох, лантириші оооооо пиясины лавозими ва Ф.И.О.) арган мансабдор шахенинг лавозими ва Ф.И.О.) (тугилган шахенинг Ф.И.О. кўреатизади) (тугилган жойи) (ким ва қачон) стимой хулқ-атвор баён қилинади) ўл кўйиб бўлмаслиги тўгрисида т назарда тутилган хукукбузарлик баён этилади) (модда рак	га, даманзилида яшайди, томонидан берилган,, гушунтириш берилди,учунмоддасига асосан
фукаройил «»	РАСМИЙ (отох,лантириші	га, да манзилида яшайди, томонидан берилган,

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.



6 (766)-сон

79-модда

(шаклнинг орқа томони)

ОФИЦИ	ІАЛЬНОЕ ПР	РЕДУПРЕТ	КДЕНИЕ			
		000001				
Гражданин (ка)	(серия)					
(указа	ывается Ф.И.О. офици			Опрофи	поитико пров	
В соответствии со статьей 31 Закона Республики Узбекистан «О профилактике прав нарушений»: Разъясняю Вам о недопустимости продолжения в дальнейшем						
Предупреждаю Вас об	вид ответственности		ственности с	примене	нием взыскани	
(наказания) в виде						
(указываются меры	ответственности (сан	нкции), предусмог	-	_{њством)} існо стать	.e	
				cho crarb	(номер статьи)	
(наименование закона (кодекса)		3	sa			
· · · · · · · · · · · · · · · · · · ·						
(излагается привони)	рушение, за совершени	ие которого преоу	смотрена ответств	енность)		
(должность и Ф.И.О. лица, вынесшего официальное пре	дуппежденце)				(подпись)	
(оожносто и ч.н.о. лица, оопесанско официальных гд-	оупрежоение,				, ,	
					20 г.	
Дата объявления официально	го предупреж	кдения:	(())	(Mocean)	_ 20 1.	
« (НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩІ	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ	РЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I	<i>ТРАВОНАРУ</i>	(месяц)		
« (НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩІ ОФИІ	ГАНА ИЛИ УЧ	РЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I	УЯ, НЕПОСРЫ ПРАВОНАРУЛ	(месяц)		
« (НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩ ОФИ	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ I	РЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I ПРЕДУПР _ 0000001	Я, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ ЕЖДЕНИЕ (серия)	(месяц)		
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩІ ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ I ПРЕДУПР _ 0000001	УЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ. ЕЖДЕНИЕ (серия)	(месяц)		
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩ ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, вынесе	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ I ПРЕДУПР _ 0000001	УЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ. ЕЖДЕНИЕ (серия)	(месяц)		
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩІ ОФИІ Мною,	ТАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, выпес	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001	УЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ. ЕЖДЕНИЕ (серия)	(месяц)	НО	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩ ОФИІ Мною,	ТАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, выпес	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001	УЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ. ЕЖДЕНИЕ (серия)	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ)	НО	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес Ф.И.О. официально прес (месяц)	РЕЖДЕНИ ПАКТИКУ І ПРЕДУПР 0000001 сишего официально додупрежденного л. Г. В	ІЯ, НЕПОСРІ ПРАВОНАРУІ ЕЖДЕНИЕ (серия) ре предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес Ф.И.О. официально прес (месяц)	РЕЖДЕНИ ПАКТИКУ І ПРЕДУПР 0000001 сишего официально додупрежденного л. Г. В	ІЯ, НЕПОСРІ ПРАВОНАРУІ ЕЖДЕНИЕ (серия) ре предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес Ф.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номи	РЕЖДЕНИ ІАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001 сшего официально одупрежденного л г. в выд	ІЯ, НЕПОСРІ ПРАВОНАРУІ ЕЖДЕНИЕ (серия) ре предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес ф.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номи	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001 симего официального л Г. В ВЫД	ІЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) ое предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес Ф.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номи	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001 симего официального л Г. В ВЫД	ІЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) ое предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес ф.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номи	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001 симего официального л Г. В ВЫД	ІЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) ое предупреждение) ща)	(месяц)	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, вынес р.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номи ения им (ей) _ сается допущенное анп	РЕЖДЕНИ ЛАКТИКУ І ПРЕДУПР _ 0000001 ссиего официально по г. В ВЫД выдатьное пов	ГЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) по предупреждение) ица)	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ) (место роз	но	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, вынес р.И.О. официально прес (месли) (серия) (номо ения им (ей) _ гается допущенное ант ответственн венности)	ПРЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I ПРЕДУПР	ВЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) не предупреждение) ща)	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ) (место роз	ждения)	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес р.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номе тення им (ей) _ сается допущенное анп ответственн венности)	ПРЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I ПРЕДУПР	ВЯ, НЕПОСРЕ ПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) не предупреждение) ща)	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ) (место роз	ждения)	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І ть и Ф.И.О. лица, вынес р.И.О. официально прес (месяц) (серия) (номе тення им (ей) _ сается допущенное анп ответственн венности)	ПРЕЖДЕНИ ПАКТИКУ I ПРЕДУПР	ГЯ, НЕПОСРЕПРАВОНАРУ, ЕЖДЕНИЕ (серия) эте предупреждение) ца) цан	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ) (место роз	но ждения) да) аказания) в виде	
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГ ОСУЩЕСТВЛЯЮЩА ОФИІ Мною,	ГАНА ИЛИ УЧ. ЕГО ПРОФИЛ ЦИАЛЬНОЕ І пь и Ф.И.О. лица, вынес р.И.О. официально прес (месяи) пения им (ей) сается допущенное ани ответственн венности) ветственности (санкци тье (номер статьи	ПРЕДУПР 0000001 ссиего официально офитрежденного ла Г. В	ГЯ, НЕПОСРЕПРАВОНАРУ, Серия) ре предупреждение) цаа дан ———————————————————————————————	(месяц) ЕДСТВЕНІ ШЕНИЙ) (место роза (кем и кого	но ждения) да) аказания) в виде	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.



6 (766)-сон

— 177 —

— 79-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарорига 2-ИЛОВА

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тӱгрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

- 1. Ушбу Низом хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огохлантиришни чикариш тартибини белгилайди.
- 2. Ушбу Низомнинг талаблари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига нисбатан татбиқ этилмайди.
 - 3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

- 4. Расмий огохлантириш хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг хукукбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул булган мансабдор шахси (кейинги уринларда масъул шахс деб юритилади) томонидан чикарилади.
- 5. Хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга булган мансабдор шахслари руйхати тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.
- 6. Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йул қуйиб булмаслиги туррисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил булган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат булади.

2-боб. Расмий огохлантиришни чикариш тартиби

7. «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига мувофик ўтказилган профилактика сухбати ижобий натижа бермаган ва шахс гайриижтимоий хулқ-атворни ёки



хуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган холларда, унга нисбатан расмий огохлантириш қўлланилади.

- 8. Жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзида масъул шахс томонидан ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.
- 9. Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.
- 10. Расмий огохлантириш бланкасининг шакли икки қисмдан фуқарога тақдим қилинадиган расмий огохлантириш хамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат булади.
- 11. Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилади.
- 12. Масъул шахс расмий огохлантириш бланкасини расмийлаштираёт-ган пайтда шахснинг ёнида унинг шахсини тасдикловчи хужжат бўлмаса, расмий огохлантириш бланкасининг тегишли графалари шахснинг сўзидан тўлдирилади.
- 13. Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштирганидан сунг уни имзолайди.

Расмий огохлантириш бланкасининг қирқиб олинадиган қисми расмий огохлантирилаётган шахс томонидан ҳам имзоланади. Расмий огоҳлантирилаётган шахс имзо қуйишдан бош тортган тақдирда эса расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақда ёзиб қуйилади.

- 14. Расмий огохлантириш расмийлаштирилганидан сўнг у расмий огохлантирилган шахсга берилади, бланканинг қирқиб олинадиган қисми масъул шахсда қолади.
- 15. Масъул шахс, расмий огохлантириш чиқарилганлиги тўгрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

3-боб. Якунловчи қоидалар

16. Расмий огохлантириш бланкаси қатъий хисобда турувчи хужжат хисобланади ва ўз серияси хамда рақамига эга бўлади.

Расмий огохлантириш бланкалари хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар томонидан куйи турувчи тизим учун марказлаштирилган холда белгиланган тартибда тайёрланади.

17. Ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муасса-



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.



6 (766)-сон — 179 — 79-модда

саларнинг рахбарлари ва прокуратура органлари томонидан амалга оширилали.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар буладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

